

**№221-сонли брокерлик ва
депозитар хизматлар кўрсатиш
ШАРТНОМАСИ**

Тошкент шаҳар

2022 йил 27 декабрь

“TSIAR-DEPO” масъулияти чекланган жамияти (*бундан буён матнда инвестиция воситачиси деб юритилади*) номидан ўз фаолиятини устав ва 2018 йил 26 январдаги №1300-сонли лицензия асосида амалга оширувчи Директор NABIYEV J.T. бир томондан, “ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” акциядорлик жамияти (*бундан буён матнда мижоз деб юритилади*) номидан ўз фаолиятини устав асосида амалга оширувчи Бошқарув раиси ABDURAXMANOV F.M. иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйдагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Инвестиция воситачиси мижозга қуйдаги хизматларни кўрсатади:
- мижознинг номидан ва ҳисобидан брокерлик хизматлари;
 - ўз номидан, лекин мижознинг ҳисобидан брокерлик хизматлари;
 - депозитар хизматлар шу жумладан “ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” акциядорлик жамияти томонидан чиқариладиган ва жойлаштириладиган имтиёзли акцияларни ҳисобини юритиш.


2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Мижоз қуйдаги ҳуқуқларга эга:


- 2.1.1. инвестиция воситачисидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз вақтида ва тўғри бажарилишини талаб этиш;
- 2.1.2. инвестиция воситачисидан қонунчиликда белгиланган ахборотларни тақдим этилишини талаб қилиш;
- 2.1.3. ўз депо ҳисобварағидаги қимматли қоғозларни ва пул маблағларни қонунчиликда белгиланган доирада ва тартибда тасарруф этиш;
- 2.1.4. инвестиция воситачисига ўз депо ҳисобварағи бўйича операцияларни бажариш юзасидан топшириқлар бериш (*учинчи шахслар олдида мажбуриятлар юклатилган қимматли қоғозларни қимматли қоғозларга мажбуриятлар юклатиш тугалланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмасдан ўтказишга доир фармойиш бундан мустасно*), сўровлар киритиш, топшириқлар бажарилганлиги тўғрисида ҳисобот талаб қилиш;
- 2.1.5. қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг қоидаларига мувофиқ, қимматли қоғозларни мустақил равишда сотиб олиш ва сотиш;
- 2.1.6. инвестиция воситачисига қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш учун уларнинг топшириқлар бериш;
- 2.1.7. шартнома шартларига мувофиқ ўз депо ҳисобварағининг ҳолати ҳақида кўчирма ва ўз депо ҳисобварағи бўйича ўтказилган операциялар тўғрисида ҳисобот олиш;
- 2.1.8. ўз депо ҳисобварағини пул ўтказиш йўли орқали пул маблағлари билан тўлдириш.

2.2. Мижознинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб беш кун ичида депо ҳисобварағи очиш ва юритиш учун ҳужжатларни тақдим этиш;
- 2.2.2. мижоз ўз анкета маълумотларидаги барча ўзгаришлар ҳақида инвестиция воситачисига хабар бериш;
- 2.2.3. мижоз ўз ваколатли шахсининг ваколатлари тугатилганлиги ёки ўзгартирилганлиги тўғрисида инвестиция воситачисини хабардор қилиш;



- 2.2.4. инвестиция воситачиси ёзма хабарларининг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш ҳамда аниқланган ноаниқликлар ҳақида уларга ўз вақтида хабар бериш;
- 2.2.5. ушбу шартноманинг 4 бўлимида белгиланган тартибда инвестиция хизматлари учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш.
- 2.3. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга эмас:**
- 2.3.1. Ҳийла-найранг ишлатиш ва инсайдер ахборотдан фойдаланиш;
- 2.3.2. Инвестиция воситачисидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига олиб келувчи олди-сотди битимларини тузилишини талаб этиш.
- 2.4. Инвестиция воситачиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:**
- 2.4.1. мижоздан қуйидаги маълумотларни тақдим этишни талаб қилишга ҳақли:
- қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича битим тузишда мижознинг тўлов қобилияти;
 - қимматли қоғозларнинг ва уларга бўлган мулк ҳуқуқининг мавжудлиги — уларни сотиш шартномасини тузишда;
 - қимматли қоғозларга учинчи шахслар олдида мажбуриятлар юклатилганлиги ёки ушбу қимматли қоғозлар тақдим этадиган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши тўхтатилиши ёхуд имконсизлигини келтириб чиқарувчи эмитентнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ мижозга маълум бўлган вазиятларнинг мавжудлиги;
 - мижоз раҳбарларининг ваколатлари — юридик шахсларнинг манфаатларини ифодалаш ва ушбу юридик шахслар учун ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган ҳаракатларни амалга оширишга қонуний ҳуқуққа эгаллиги;
- 2.4.2. Пул ўтказиш йўли орқали депо ҳисоб рақамини пул маблағлари билан тўлдирганда инвестиция воситачиси томонидан маълумотлар нотўғрилиги аниқланганда, пул маблағларини қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.
- 2.5. Инвестиция воситачисининг мажбуриятлари:**
- 2.5.1. Мижозга депо ҳисобварақ очиш.
- 2.5.2. Мижоз томондан жойлаштирилган қимматли қоғозларга эгаллик қилувчи қимматли қоғозлар эгаларига депо ҳисобварағи очиш.
- 2.5.3. Мижоз томонидан чиқариладиган ва жойлаштириладиган қимматли қоғозларни, қимматли қоғозлар эгалари депо ҳисобварағига ўтказиш.
- 2.5.4. Мижоз тақдим этган маълумотлар асосида мижознинг анкета маълумотларига беш иш куни мобайнида ўзгартириш киритиш.
- 2.5.5. Мижознинг қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш топшириқларини бажариш.
- 2.5.6. Мижознинг ўз депо ҳисобварағи бўйича операцияларни бажариш юзасидан топшириқларини бажариш (*учинчи шахслар олдида мажбуриятлар юклатилган қимматли қоғозларни қимматли қоғозларга мажбуриятлар юклатиш тугалланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмасдан ўтказишга доир фармойиш бундан мустасно*) ва топшириқлар бажарилганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим қилиш;
- 2.6. Инвестиция воситачиси қуйидаги ҳуқуқларга эга эмас:**
- 2.6.1. Тегишли лицензиясиз қимматли қоғозларга доир битимларни тузиш.
- 2.6.2. Мижоз билан уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини чекловчи шартномалар тузиш.
- 2.6.3. Тақиқланган битимлар ёки қонун талабларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган битимларда иштирок этиш.
- 2.6.4. Мижозга қимматли қоғозларга инвестиция қилишдан даромадни кафолатлаш.
- 2.6.5. Мижознинг қимматли қоғозларини жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиши, агар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ушбу қимматли қоғозларни эмиссиясини тўхтатган бўлса.



- 2.6.6. Қимматли қоғозлар бозорида тегишли профессионал фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлмаган қимматли қоғозлар бозори иштрокчиларининг профессионал хизматларидан фойдаланган ҳолда қимматли қоғозлар билан битимлар тузиши *(қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият билан шугулланувчи тижорат банклари ва суғурталовчи компанияларнинг профессионал хизматларидан фойдаланиши ҳолатларидан ташқари)*.
- 2.6.7. Мижознинг қимматли қоғозларини ва инвестиция воситачининг банк ҳисоб-варақасидаги маблағларидан миждоз топшириғисиз ишлатиш, бунда шартномада махсус қайд этилган ҳоллар мустасно.
- 2.6.8. Қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найранг ишлатиши, махфий ва инсайдер ахборотдан фойдаланиши.
- 2.6.9. Қимматли қоғозлар ва уларга доир нархлар тўғрисида қасддан бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш орқали қимматли қоғозларни сотиб олишга ёки сотишга ундаш.

3. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

- 3.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардирлар.
- 3.2. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида келиб чиқадиган оқибатлар учун ҳам жавобгардирлар.
- 3.3. Инвестиция воситачиси жавобгар ҳисобланади:
- қонунчиликда белгиланган тартибда миждоз томонидан берилган топшириқларни бажармаслик лозим даражада бажармаслик;
 - қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишда амалдаги қонунчиликни бузиш.
- 3.4. Мижоз жавобгар ҳисобланади:
- қонунчиликни бузилишига олиб келувчи ахборотни яшириш ёки ёлғон маълумот бериш;
 - ҳийла-найранг ишлатиш ва инсайдер ахборотдан фойдаланиш.

4. ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ, МИҚДОРИ ВА МУДДАТЛАРИ

- 4.1. Ушбу шартнома бўйича инвестиция воситачиси томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўлов миждоз томонидан ушбу шартноманинг иловасига мувофиқ амалга оширилади.
- 4.2. Мижоз томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган қимматли қоғозлар бўйича қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш хизмати учун инвестиция воситачисига тўлов ушбу шартноманинг иловасига мувофиқ амалга оширилади.
- 4.3. Мижоз томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган қимматли қоғозлар бўйича қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш хизмати учун инвестиция воситачисига тўлов амалга оширилганда, қимматли қоғоз эгалари томонидан ушбу қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш хизмати учун тўлов амалга оширилмайди.
- 4.4. Мижоз томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг қоидаларига мувофиқ, акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини сотиб олиш ва сотишда, инвестиция воситачисига тўлов миждоз ва инвестиция воситачиси ўртасида тузиладиган топшириқномага мувофиқ амалга оширилади.



5. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Ушбу шартнома томонларнинг бири томонидан бекор қилиниши мумкин. Бунда шартномани бекор қилиш ташаббускори бўлган томон иккинчи томонга шартномани бекор қилиш кутилаётган санадан камида 30 календарь кун олдин ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

6. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Шартнома имзолангандан сўнг кучга киради ва 2023 йил 31 декабргача амал қилади. Томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда муурожаат қилмаса шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, томонлар олдиндан кўриши, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолатлар (*форс-мажор*) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинадилар.
- 7.2. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун озод қилинадилар, агар бу шартнома тузилгандан кейин юзага келган форс-мажор ҳолатлари ёки томонлар олдиндан кўра олмаган ёки олдини ола ололмаган фавқулотда ҳодисалар натижасида юзага келган бўлса.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Ушбу шартномадан келиб чиқиши мумкин бўлган ёки у билан боғлиқ бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар, томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинади.
- 8.2. Агар томонлар низоларни ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қила олмасалар, у ҳолда у кўриб чиқиш учун иқтисодий ишлар бўйича Тошкент туманлараро судига топширилиши мумкин.

9. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди ва улар бир хил юридик кучга эга. Ушбу шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма шаклда ваколатли шахслар томонидан имзоланган, белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлиши керак.

10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ

- 10.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошқа вакиллари ҳар қандай шахсга ҳаракатларига таъсир қилиш учун ёки ҳар қандай ноқонуний афзалликлар ёки бошқа ноқонуний мақсадларини олиш мақсадида тўғридан-тўғри ёки билвосита тўлов таклиф қилмайди, ҳеч қандай маблағ ёки қимматбаҳо нарсаларни тўлашга йўл қўймайди. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошқа вакиллари шартнома мақсадлари учун амалдаги қонунчилик томонидан ҳаракатларни, масалан, пора бериш/олиш, тижорат порахўрлиги, шунингдек амалдаги қонунчилик ва қонунчилик талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар.
- 10.2. Томонлар пул ювишга қарши барча қонунларга риоя қилишга интилади.
- 10.3. Агар томонлар ушбу модданинг ҳар қандай қоидаларини бузиш содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли томон бузилиш содир бўлмаган ёки

 4

содир бўлмаслиги тўғрисида тасдиқ олмагунча шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришни тўхтатишга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб 10 иш куни ичида юборилиши керак.

- 10.4. Агар бир томон ушбу бўлимда тақиқланган ҳаракатлардан тийилиш мажбуриятларини бузса ва/ёки бошқа томон шартномада белгиланган муддатда бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тўғрисида тасдиқни олмаса, бошқа томон шартномани бир томонлама ёки қисман ёзма хабарнома юбориш орқали бекор қилишга ҳақли. Ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ ташаббуси билан шартнома бекор қилинган томон бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарар учун товон пули талаб қилишга ҳақлидир.

11. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ

Инвестиция воситачиси
“TSIAR-DEPO” МЧЖ


Мижоз
“ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” АЖ

Манзил: 100077, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, Чуст кўчаси, 2А уй
Банк реквизитлари:
х/р: 2020 8000 8004 9164 0001
“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Мирзо-Улуғбек филиали, Банк коди: 01103
СТИР: 201460625
Телефон: +99871262-76-62

Директор
NABIYEV J.T.



Бошқарув раиси
ABDURAXMANOV F.M.



ИНВЕСТИЦИЯ ВОСИТАЧИСИ ХИЗМАТЛАРИ

T/p	Кўрсатиладиган хизматлар	Тўлов миқдори
1.	Мижоз томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган қимматли қоғозлар бўйича қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш	Бир календар йил учун 170 000 000 сўм миқдориди абонент тўлови амалга оширилади
2.	Мижоз портфел қимматли қоғозларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш	Абонент тўлови ичида
3.	Мижозга ва Мижоз томондан жойлаштирилган қимматли қоғозларга эгалик қилувчи қимматли қоғозлар эгаларига депо ҳисобварағи очиш	Абонент тўлови ичида
4.	Мижозга ва мижоз томондан жойлаштирилган қимматли қоғозларга эгалик қилувчи қимматли қоғозлар эгаларига депо ҳисобварағидан кўчирма тақдим этиш	Бепул
5.	Мижоз томондан жойлаштирилган қимматли қоғозлар бўйича уюшмаган биржадан ташқари битимларни рўйхатга олиш:	Абонент тўлови ичида
6.	Хадя шартномасини рўйхатга олиш	Абонент тўлови ичида
7.	Мерос қилиб бериш бўйича нотариал тасдиқланган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатга олиш	Абонент тўлови ичида
8.	Қимматли қоғозларни бошқа инвестиция воситачисидан қабул қилиб олиш	Абонент тўлови ичида
9.	Қимматли қоғозларни бошқа инвестиция воситачисига ўтказиш	Абонент тўлови ичида
10.	Мижознинг портфел қимматли қоғозлари бўйича уюшмаган биржадан ташқари битимларини рўйхатга олиш	Битим суммасининг 1,0% дан 1,5% гача
11.	Мижознинг номидан ва ҳисобидан брокерлик хизматлари учун тўлов. (қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари томонидан рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларга доир битимлар бўйича)	Битим суммасининг 1,0% дан 1,5% гача
12.	Ўз номидан, лекин мижознинг ҳисобидан брокерлик хизматлари учун тўлов. (қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари томонидан рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларга доир битимлар бўйича)	Битим суммасининг 1,0% дан 1,5% гача

Инвестиция воситачиси
“TSIAR-DEPO” МЧЖ

Мижоз
“ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” АЖ

Манзил: 100077, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, Чуст кўчаси, 2А уй
Банк реквизитлари:
х/р: 2020 8000 8004 9164 0001
“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Мирзо-Улуғбек филиали, Банк коди: 01103
СТИР: 201460625
Телефон: +99871262-76-62



Директор
NABIYEV J.T.

Бошқарув раиси
ABDURAXMANOV F.M.

